

371(043.3)

Г-95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: : 371.3:378.046.4

**ГУЛБОЕВ Акбар Тўхтаевич**

**ПЕДАГОГИК ТАШХИС ВОСИТАСИДА ЎҚИТУВЧИЛАР  
МАЛАКАСИНИ УЗЛУКСИЗ ОШИРИШ**

13.00.01- педагогика назарияси ва тарихи

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун ёзилган диссертация

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2010

371(043.3)

П-95

Тадқиқот иши Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика  
фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:**

педагогика фанлари доктори, доцент  
**Марданов Шуқурулло Қўлдошев**

**Расмий оппонентлар:**

педагогика фанлари доктори, профессор  
**Йўлдошев Жўра Ғаниевич**

педагогика фанлари доктори, доцент  
**Раҳимов Бахтиёр Худойбердиевич**

**Етакчи ташкилот:**

**А.Навоий номидаги Самарқанд давлат  
университети**

Диссертация ҳимояси 2010 йил «12» ноябрь соат 14-00 да Низомий  
номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.03 -  
рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб  
кўчаси, 103-уй. Тел.: (99871) 254-92-02, факс (99871) 215-54-18. E-mail:tgpu  
info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100070, Тошкент  
шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103).

Автореферат 2010 йил «11» октябрда тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, педагогика фанлари  
номзоди



**Р.Г.Исянов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жамият ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётига янгича қарайдиган мустақил фикрловчи, ишбилармон, буюк келажак пойдеворини курувчи ёшларни тарбиялаш республикамиз педагоглари олдидан турган муҳим вазифалардан биридир. Таълим ислохоти жараёнида бу улкан вазифани тўла амалга оширадиган, замонавий ва жаҳоннинг энг илғор таълим технологиялардан мохирона фойдалана оладиган педагог кадрларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ортди.

Жамиятимизда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-мафкуравий ўзгаришлар ҳамда таълим ислохоти талаблари нуқтаи назаридан педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига ёндашадиган бўлсақ, унинг янгиланиш жараёни талабларига жавоб бермаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Буни Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида куйидагича баён қилган эди: “тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу, ерда... Замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак”<sup>1</sup>. Мамлакатимиз таълим тизимининг жамиятимиздаги вазифаси – баркамол инсонни шакллантиришдан иборатдир.

Ўзлуксиз таълим тизимида илк бор ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мустақил таълим тури сифатида эътироф этилган. Бу эса, уни илмий методик, педагогик, психофизиологик, дидактик ҳамда ташкилий, иқтисодий жиҳатларини ва малака оширувчи субъектларнинг шахсий-касбий хусусиятларини ҳисобга олиб тадқиқ қилишни тақозо қилади. Шу билан бир қаторда, унинг педагогик тизим сифатида таркиби, мазмуни ва мақсади ҳамда бошқарув тизимини ислоҳ қилиш вазифаси ҳам ўта долзарб эканлигини унутмаслик лозим. Мазкур тизимни ислоҳ қилишда замон талабларига мослашувчан таълимнинг юқори сифатли ва барқарор ривожланишини кўзловчи тизимнинг вужудга келишига эришиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мустақиллик шароитида педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини ташкил этиш бутунлай янги назарий асосларга таянилган ҳолда амалга оширилмоғи лозим. Миллий истиқлол ғояси, педагогик маҳорат ҳамда унинг шаклланиши педагоглари тайёрлаш ва қайта тайёрлашда назарий методология сифатида таълим-тарбиянинг долзарб муаммоларини ечишга йўналтирилиши лозим.

Педагог кадрлар малакасини оширишга доир эълон қилинган қатор ишларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқлаки, уларда

<sup>1</sup> Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ, 1997, 7-6.

тадқиқотчилар педагоглар маҳоратини оширишда асосан ташқи таъсирга эътибор бериб, уларнинг ички дунёси, субъектив имкониятлари, фаолият майллари, маънавий ва моддий қизиқиш ва хоҳишларини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Бу кўпинча маъмурий ҳамда расмий хужжатларда белгиланган талабларни бажаришда намоён бўлмоқда. Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда, уларнинг шахсига бундай ёндашув маъмурий буйруқбозлик даврида назарий асосланган ҳамда амал қилинадиган катъий қоида эди. Мустақилликкача бўлган давр тажрибаси шунини кўрсатдики, шахсга ташқи таъсир кўрсатиш воситаларининг имкониятлари чегаралангандир. Инсонга ташқи таъсир қилишда шахс ҳагги-ҳаракати, ахлоқи, интизоми, фаолиятини тартибга солиш учун уни доимий равишда назорат ва таъсир остида ушлаб туриш керак. Натижада инсоннинг ўз мустақиллиги, ички интилиши, майлларини намоён қилиш имконияти чекланиб, буйруқни бажарадиган механизмга айланади. Оқибатда шахс хусусияти, ўзлигини эътиборга олмай барчага бир хил ёндашиш умумий қоидага айланади. Бу эса, ўз навбатида, педагог кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш жараёнида уларнинг фаолияти ва меҳнатига ўртамиёна ёндашув, унинг аниқ эҳтиёжи, талабини инobatга олмастикка олиб келади.

Ижтимоий тараққиёт, таълим ислохотлари ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни янги назарий асосларга таянган ҳолда ташкил этиш – энг аввало, ички эҳтиёж, касбий ва маънавий қизиқишни ташқи таъсир имкониятлари билан ўзаро уйғунлаштириш, инсоннинг ўз-ўзини англаши асосида амалга оширишни тақозо қилади. Бунда педагоглар шахсий ва касбий хусусиятларининг ўзаро мутаносиблиги алоҳида аҳамиятга эга. Ўзлигини англаш, шахс эркинлиги, ғурурини поймол қилмасдан аниқ эҳтиёжлар ва имкониятларни инobatга олиш, демократия ва инсонпарварлик тамойилларига таяниш, уларда ўзини эркин шахс сифатида маънавий камолот ва касбий такомиллашувга интилишни кучайтириш учун ижтимоий, ташкилий-педагогик шароит яратиш муҳимдир.

Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида, ўқитувчи-амалиётчилар шахсига янгича ёндашиш ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг зарур талабидир. Узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълим мактаблари ўзининг салмоғи ҳамда бошланғич асос эканлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқитувчисининг малакасини оширишни ташкил этишда педагогик жамоага шарт-шароит яратиш ва унинг имкониятлари ҳамда мустақил ўз устида ишлаш афзалликларини тадқиқ қилишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчининг касбий маҳорати, умумий савиясини мутассил такомиллаштириш учун шароит яратишни талаб этади. Ўқитувчи меҳнатини режали ташкил қилиш таълим-тарбия муваффақиятининг гаровидир.

Ўқув муассасасидаги таълим-тарбия сифати ўқитувчининг билими, касбий маҳорати, меҳнатининг рағбатлантирилиши, унга моддий ҳамда илмий-методик ёрдам кўрсатилишига ҳам боғлиқдир. Педагог кадрлар

малакасини ошириш тизимини илмий-педагогик жиҳатдан қайта куриш зарурияти жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларга боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим. Педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг меҳнати, шахсига баҳо беришнинг илмий асосланган метёрларини аниқлашдан иборат.

Бизнингча, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилиш, энг аввало, худудий шарт-шароитларни инобатга олишни такозо этади. Айниқса, бу борада республикаимиз таълим муассасаларида ишлаётган кўп минг сонли ўқитувчиларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этишини эътиборга олиш лозим. Улар ижтимоий-педагогик фаолият билан бир қаторда аёл ва она сифатида ҳам ўзларининг оиладаги бурчларини адо этадилар.

Педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларига, унинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ўрни нуктаи назаридан чуқурроқ ёндашиладиган бўлса, мазкур муаммонинг ечими кенг қўламли ижтимоий-педагогик аҳамият касб этади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мамлакат тараққиётини тезлаштирувчи асосий омил бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов “Ислохотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир” номли маърузасида кадрлар малакасини ошириш мамлакатимиз тараққиётининг ҳамда “аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили”<sup>2</sup> эканлигини алоҳида таъкидланган эди.

“2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг асосий йўналишларидан бири “Мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг таркиби, сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш”<sup>3</sup>га алоҳида эътибор берилган.

Ўқоридагилардан кўриниб турибдики, педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш жараёнини тадқиқ қилиш ўз ечимини қутаётган долзарб масалалардан биридир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Педагогик тадқиқотларда ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг шахси, маданияти, педагогик муаммолари Ю.К.Бабанский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, А.И.Шербатов, В.Г.Онушкин, Ф.Юзликбаев, Ю.Н.Кулюткин, В.А.Сластенин, И.Обидов, Ю.К.Васильев, О. Хаджабоев, У.Нишоналиев, М.Очилов, Н.Н.Азизхўжаева, Б.Р.Жўраева, Б.Рахимов, О.Ҳайдаровалар ишларида ўз аксини топган.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир//“Халқ сўзи”, 18 февраль, 2003 й.

<sup>3</sup> “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида”/“Маърифат”, 22 май, 2007 й.

Бевосита педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий-методологик, ташкилий-педагогик асослари, бу жараёни ташхис асосида ташкил этишнинг умумий жиҳатлари ҳамда янги таълимий кадриятлар билан боғлиқлиги педагогика фанлари докторлари, профессорлар К.З.Зарипов, Ж.Ф.Йўлдошев, Ш.Қ.Мардонов, Б.Р.Адизовларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Педагоглар малакасини оширишнинг умумий масалалари Б.Исроилов, курс машғулотларининг ўқитувчилар педагогик маҳоратини оширишдаги аҳамияти М.Нишоновлар тадқиқотларида ўрганилган.

Таълим ислоҳоти шароитида касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари малакасини ошириш шакллари ва таъсирчан методлари Б.С.Нуриддинов, С.Ф.Ражабова, М.Дехқоновалар тадқиқотларида, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари малакасини илмий-амалий ошириш, уларнинг шахсини ривожлантириш муаммолари Ш.Саидкулов, Т.Умнаткулов, А.Аминов, Ш.Мажидоваларнинг ишларида амалга оширилган.

Ўқитувчилар тайёргарлигини ҳис қилиш ва уларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини малака ошириш жараёнида инobatга олиш Ю.Асадов, М.Ахмеджоновларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Педагогик ташхис асосида ўқувчилар нутқидаги камчиликларни бартараф қилиш Л.Мўминова, ўспиринларнинг тарбияланганлиги, ҳулқидаги нуқсонларни коррекциялаш Ш.Абдуллаева томонидан тадқиқ қилинганлиги, аммо малака ошириш жараёнини педагогик ташхис ва ўқитувчиларнинг ўз шахслари ва фаолиятларини бевосита ўзлари ўрганиши ҳамда амалий фаолиятларига ўзлари баҳо беришларини амалга ошириш муаммолари алоҳида илмий тадқиқот объекти бўлмаган. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимиз мавзусини “**Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш**” деб номладик.

**Диссертация ишнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликнинг фундаментал тадқиқотлар дастурига киритилган «Умумий ўрта таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик параметрлари ва стратегиясини белгилаш» лойиҳаси доирасида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади:** педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш тизимини белгилаш ва педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш долзарб педагогик муаммо эканлигини назарий-амалий жиҳатдан асослаш.

2. Педагогик ташхиснинг мазмуни, турлари, ўқитувчилар малака ошириш тизимидаги ўрни ва ўқитувчининг ўз фаолиятларини ташхислаш усулларини аниқлаш.

3. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислашларини таъминлаш асосида малака ошириш жараёнини табақалаштириш, ўқитувчи фаолиятидаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишда педагогик ташхиснинг ўрнини белгилаш.

4. Ўқитувчилар малакасини ошириш сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнини педагогик ташхис воситасида такомиллаштиришга хизмат қиладиган илмий-методик тавсияларнинг самарадорлик даражасини кўрсатиш.

**Тадқиқот объекти:** педагогик ташхислаш воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш жараёни.

**Тадқиқот предмети:** ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш жараёни, уни амалга ошириш усуллари ва уларнинг малака ошириш самарадорлигини таъминлаш имкониятлари.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Агар:

- малака ошириш тизими ўқитувчилар эҳтиёжи ва уларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш натижаларига таянган ҳолда ташкил этилса;

- ўқитувчи ташхис натижаларига таянган ҳолда ўз фаолияти ва мустақил малака ошириш жараёнини узлуксиз ташкил эта олса;

- ўқитувчи ўз фаолиятини таҳлил қилиш, уни баҳолаш мезонлари ва усулларини ўзлаштирган бўлса;

- ўқитувчи ўз фаолиятидаги педагогик қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф қилиш усуллари эгаллаган бўлса;

- малака ошириш жараёни ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш натижаларига таянган ҳолда табақалаштирилиб, амалга оширилса, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини самарали модернизациялаш мумкин.

**Тадқиқот методлари:** анкета, савол-жавоб, суҳбат, педагогик ташхис, таҳлил, умумлаштириш, қиёслаш, эксперт баҳоси, педагогик эксперимент, математик статистика.

**Тадқиқотнинг методологик асослари:** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “2004-2009” йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузаларида баён қилинган ўқитувчи фаолиятини такомиллаштиришга оид фикрлар, қарашлар, шахс моҳияти ва шаклланишига доир фалсафа, педагогика ва психология фанларидаги назарий таълимотлар, мавзуга оид илмий-методик манбалар.

**Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

1. Педагогик ташхиснинг мазмуни, турлари, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимидаги ўрни ва ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш усуллари.

2. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислашларини таъминлаш асосида малака ошириш жараёнини табақалаштириш, ўқитувчи

фаолиятидаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишда педагогик ташхиснинг ўрни.

3. Ўқитувчилар малакасини ошириш сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнини педагогик ташхис воситасида такомиллаштиришга хизмат қиладиган илмий-методик тавсияларнинг самарадорлик даражаси.

4. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчи фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни аниқлаш мезонлари.

#### **Ишнинг илмий янгилиги:**

1. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш долзарб педагогик муаммо эканлиги назарий-амалий жиҳатдан асосланди.

2. Педагогик ташхиснинг мазмуни, турлари, ўқитувчилар малакасини ошириш тизимидаги ўрни ва ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш усуллари аниқланди.

3. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислашларини таъминлаш асосида малака ошириш жараёнини табақалаштириш, ўқитувчи фаолиятидаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишда педагогик ташхислашнинг ўрни белгиланди.

4. Ўқитувчилар малакасини ошириш сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнини педагогик ташхис воситасида такомиллаштиришга хизмат қиладиган илмий-методик тавсияларнинг самарадорлик даражаси кўрсатилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида педагогика фани ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ўзлари баҳолашларига оид назарий қарашлар, ёндашувлар, усуллар, ташхислаш воситасида ўқитувчи фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни аниқлаш мезонлари билан бойитилди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш усуллари ва ташхис натижалари асосида узлуксиз малака ошириш тизимини табақалаштирилган ҳолда ташкил этиш ва модернизациялашга йўналтирилган илмий-методик тавсияларга эга бўлди. Қайсиқим ушбу тавсиялар ўқитувчиларнинг узлуксиз малака ошириш тизими мазмунини такомиллаштириш, бу жараёни янги методикалар асосида ташкил этиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тажриба-синов ишлари Қарши, Бухоро, Навоий ВПКҚТМОИ ҳамда Бухоро вилояти Пешку туманидаги 34-мактаб, Ромитан туманидаги 19-мактаб, Бухоро шаҳридаги 7-, 15-, 34-мактабларда амалга оширилди.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари 2006-2008 йилларда Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ва Бухоро давлат университетида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияларида ўқилган маърузаларда мунтазам оммалаштирилиб борилди.



**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп этилган 11 та илмий иш (шулардан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланмаси, 5 та илмий журналлар ҳамда 4 та илмий-амалий конференция тўпламларидаги мақолалар)да ўз ифодасини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 боб, 7 параграф, умумий хулосалар ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 146 бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг биринчи боби “Малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини педагогик ташхис қилишнинг назарий асослари” деб номланиб, унда педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш педагогик муаммо эканлиги, педагогик ташхиснинг мазмуни, турлари ва ўқитувчилар малака ошириш тизимидаги ўрни ҳамда ўқитувчининг ўз фаолиятини ташхислаш усуллари баён қилинган.

Инсоннинг олий нерв тизими фаолияти ҳақидаги таълимотларнинг кўрсатишича, у мураккаб субъектив тизим сифатида бошқа жонли ва жонсиз объект (тизим)ларга қараганда ўз-ўзини тартибга солиш, тиклаш, маълум ҳолатда сақлаш ҳамда такомиллаштиришда энг юкори даражадаги мавжудот ҳисобланади. Ўз-ўзини тартибга солиш, такомиллаштириш инсонга берилган азалий имкониятдир. Чунончи, у инсон мияси, маънавий ва ақлий салоҳиятининг ажралмас хусусияти ҳисобланади.

Бу жараёнларни буюк рус физиологи И.П.Павлов таълимоти давомчиси П.К.Анохин ўз-ўзини тартибга солиш жараёни жисмнинг муҳим омилларини бир хил даражада сақлашнинг моҳиятидан келиб чиқишини асослади. Бунда инсон фаолияти, жумладан, фикрлаши мақсадга мувофиқ давом этиб, маълум натижага йўналган бўлади.

Шахснинг асаб тизимидаги физиологик асосларини очиш - инсоннинг ўзини ўзи билиши асосида ўзига баҳо бериш, ўз ҳаракат ва хулқ-атворини тартибга солиш кўникмаларини ҳосил қилади. Бунда энг муҳим ҳолат шахснинг ўзига тўғри баҳо бера олиши, ўз олдига қўйган мақсад моҳиятига мос келувчи ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқишидир.

Ўз-ўзига тўғри баҳо бериш ёш хусусияти ва ижтимоий тажрибанинг ортиши, атрофидагилар билан мулоқот, бошқаларнинг унга муносабати ва баҳосига кўра шаклланиб боради.

Ҳар бир шахс фаолияти изчилликда амалга ошадиган давомли жараёндир. Шахсни фаолиятга ундаги майл ундайди. Шахс машқ жараёнида ўз-ўзини бошқаради, бунда нафақат унинг билим, кўникма ва малакалари, балки унинг хулқ-атвори ҳам шаклланиб, такомиллашиб боради. Бу ҳолатни

Л.И.Божович ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган. Шахснинг ўз-ўзини бошқариш жараёнини Б.Ф.Ломов ўз-ўзини сабабий бошқариш, дея кўрсатган эди.

Инсон ҳаракати икки асосга кўра амалга ошди: ҳаракатлар ҳамда муносабатлар. Шахс фаолияти дастлаб таклидга асосланса, кейинчалик у мустақил фаолият ва ўз-ўзини бошқаришни бошқалар билан мулоқот, муносабат ўрнатиш орқали ўрганadi. Ўз-ўзини бошқариш фаолиятини инсон умуминсоний тажрибалар, билим ва кўникмаларни эгаллаш орқали ўзлаштиради.

Инсон ўз-ўзини такомиллаштиришининг турли босқичларида фаолият субъекти сифатида ўз-ўзини англаш ва бошқаришни ўрганadi, ўз имкониятлари, қобилиятлари ҳамда нимага қодирлигини англайди ва баҳолайди. Бу жараёнда у ўзининг имкониятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла бошлайди.

Инсон ўз фаолиятининг маълум бир жихатини ташхис қилганда бўлажак натижани олдиндан кўра олиш, аввалги тажриба тизимида мавжуд ҳолатда тегишли ахборот олиш эҳтимоли борлигини назарда тутadi. Бунда аввалги тажриба ва ҳозирги ҳолати фаолиятнинг бўлажак натижаси ҳақида фараз қилишга асос бўлади. Шунга мувофиқ ҳозирланиш ва бўлажак ҳолат учун тайёргарлик ҳаракатларини бошлаб, маълум мақсадга эришиш мумкин. Инсон ҳар қандай фаолиятни бошлашидан олдин маълум вазиятни ҳисобга олади. У ўз фаолиятининг натижасини олдиндан кўра билиб, ташкил қилса, мақсадга, кўзланган натижага эришиши осонлашади.

Ўз-ўзини такомиллаштириш шахснинг ташқи таъсир қилувчи омиллар билан ички интилишларини аниқ педагогик вазифаларга: мақсад ва идеални шакллантириш, ўзликни англаш ва ўз-ўзини бошқариш учун зарур бўлган хислатларни тарбиялашга йўналтириши лозим.

Ўқитувчи бу вазифани бажаришда ҳал қилувчи куч эканлигини англаши лозим, унинг ўзи шахс ва касб соҳиби сифатида мунтазам такомиллаштиришга ундовчи ижтимоий буюртма ҳисобланади. Ўқитувчининг ўз шахси ва касбий даражаси билан жамият ривожини тезлаштирувчилик ҳиссини туйиши - ўзини такомиллаштирувчи эҳтиёж тарзида намоён бўлади.

Унинг ўз устида муваффақиятли ишлаши, биринчи навбатда, ўзининг кучли ва заиф қирраларини тушуниб етиши, жамоадаги мавқеи, ўрни ва аҳамиятини англаши, фаолият йўналишини мустақил белгилаши ўзлигини англашнинг муайян даражасини назарда тутadi.

Ўзликни англаш ҳам худди онг каби тарбия ва инсоннинг фаол ҳаракати жараёнида мунтазам ривожланиб боради. С.Л.Рубинштейннинг таъкидлашича: “Инсон шахсининг шаклланиши ўзида ўзининг узвий қисми сифатида шахс онги ва унинг ўзлигини англашнинг шаклланишини муҳасамлаштиради. Бу онгли шахснинг ривожланиш жараёнидир”<sup>4</sup>.

<sup>4</sup> Рубинштейн Л.С. Проблемы общей психологии. - М.: Педагогика, 1973, с.118.

К.К.Платонов<sup>5</sup> ўқитувчи шахси структурасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади:

1. Ўқитувчининг кизиқишлари, интилишлари, идеаллари, дунёқараши, эътиқодларининг муайян мақсадга йўналганлиги.

2. Ўқитувчи тажрибаси, билимлари, кўникмалари, малакалари, одатлари унинг тайёргарлигини белгилаши.

3. Ўқитувчидаги айрим руҳий жараёнларнинг доимий хусусиятлари: диққат, идрок, тафаккур, хотира, ирода, ҳиссиёт, психик ҳаракатларнинг машқлар асосида ривожланиши.

4. Ўқитувчининг биологик жиҳатдан белгиланган хусусиятлари машқ қилиш воситаси ҳамда темперамент, ёш, жинсий хусусиятларда намоён бўлиши.

Ўқитувчи ўз шахси ва касбининг моҳиятини англаб етиши учун мунтазам равишда ўз фаолиятини ташхис қилиши, ўзидаги салбий ва ижобий томонларни таҳлил қилиши ҳамда такомиллаштириши лозим. Буни амалга оширишда педагогик ташхиснинг шакл, усул ва методлари муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Педагогикада педагогик ташхиснинг оддий методлари билан бир қаторда, унинг мураккаб шакллари ва усуллари татбиқ этилмоқда.

Малака оширишда ҳам инсон ўз хатти-ҳаракатини муайян режа асосида ташкил қилиб, маълум натижани кўзлайди.

“Педагогик ташхис” атамаси 1968 йилда олмон педагоги К.Ингэнкамп томонидан биринчи марта қўлланилган.

Ҳозирги кунда педагогик ташхис фаол шаклланаётган педагогик фанлар тизимига мансуб. Шунинг учун ундан ҳар ким ўз кизиқиши ва ўрганадиган соҳасига мос равишда фойдаланади. Айрим тадқиқотчилар педагогик ташхисни педагогикага доир жараён ва муаммоларни ёритиш, уларнинг таъсирчанлигини аниқлаш ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришини яхшилаш, ҳар бир кишининг маълумот олиш имкониятини белгилаш воситаси сифатида қарасалар, бошқалар педагогик ташхисни ўқув-билив жараёнини режалаштириш ва бу борада кишиларга маслаҳат бериш тарзида ҳам талқин қиладилар. Педагогик ташхисни кенг маънода: ўқув жараёни, ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларни аниқлаш ҳамда маълум ўзгартиришлар киритиш воситаси сифатида қараш ўтган XX асрнинг 90 йилларида республикамиз таълим тизимида кенг қўлланилган эди.

Педагогик ташхис – педагогик жараёнларни билиш инструменти сифатида билиш назариясининг хусусий бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун уни гносеология (билиш назарияси) билан тенглаштириш ҳам мумкин эмас.

<sup>5</sup> Платонов Е.К. Структура и развитие личности. – Москва: Педагогика, 1986, с. 109.

Педагогик ташхисга хос хусусият - малака ошириш жараёнининг ҳар бир босқичи ва бўғини ҳамда тингловчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, индивидуал фарқларини аниқлашдан иборат. Бунда ҳар бир аниқ жараён учун хос хусусиятлар, уларнинг мезонларини аниқлаш алоҳида ёки бир гуруҳ кишилар учун умумий бўлиши ҳам мумкин.

Педагогик ташхис малака ошириш жараёнини такомиллаштириш, ундаги педагогик-дидактик масалаларни аниқ шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳал қилиш жиҳатидан психологик диагностикадан фарқ қилади.

Ўқитувчилар малакасини оширишидаги умумий камчиликлар сирасига курслардаги таҳсилнинг ўқув юртидаги методик ишлар, мустақил билим олиш билан ўзаро алоқадорлигининг ўта бўшлиғи, курсгача ва курсдан кейинги тайёргарлик даражасини аниқлаш мезонларининг йўқлиғи, малака оширишнинг турли босқич ва шакллари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг турли жиҳатларининг ташхис асосида аниқланмаганлиғи, курслардаги таълим метод ва шаклларининг ўқитувчи шахси ва педагогик фаолиятини такомиллаштиришга тўла мос келмаслиғи, малака оширишнинг ҳамма босқич ва шаклларида назарий-методологик, педагогик-психологик фанларнинг ўрни ва аҳамиятига етарлича эътибор берилмаслигини кўрсатиш мумкин. Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг ёши ва интеллектуал жиҳатларини инobatга олмаслик, уларнинг аттестацияси натижаларининг моддий ва маънавий рағбатлантириш билан узвий боғланмаганлиғи ҳам педагоглар малакасини оширишни мунтазам ва узлуксиз ташкил қилишга салбий таъсир қилади.

Педагоглар малакасини ошириш жараёнини эркинлаштириш унинг мажбурий шаклларини чегаралаб, педагогик жамоада ва мустақил таълим олиш шакл ҳамда муддатларини эркин танлаш йўлидан боришни тақозо қилади.

Ўқитувчининг педагогик фаолиятини ташхислаш, бир томондан, унинг ўзи, иккинчи томондан, унинг ҳамкасблари, ўқув юрти ва халқ таълими муассасаси раҳбарлари ҳамда жамоатчилик (ота-оналар, маҳалла) томонидан ташқи ташхис даражиде амалга оширилиши мумкин. Ташқи педагогик ташхис натижалари ўқитувчиларнинг аттестацияси ёки уларнинг маҳоратини ошириш учун чора-тадбир белгилаш ҳамда малака ошириш курсларига юборишга асос бўла олади.

Бошқа томондан ўқитувчи фаолиятини рефлексив ташкил қилиш – ўзини ўзи (“ички”) ташхис қилишни тақозо қилади. Ички ташхис ўқитувчининг шахсий фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларни ўзи таҳлил қилиб, аниқлаб, уларни бартараф этиш учун чора-тадбирларни кўриш, ўзгартириш қиритишда намоён бўлади.

Ўқитувчилар фаолиятини педагогик ташхис асосида ташкил қилиш узлуксиз бўлиши керак. Яъни малака оширишнинг ҳамма бўғинларида - ўқув юрглари фан метод бирлашма (кафедра)лари, малака ошириш тизимида амалга оширилиши лозим.

Ўзаро алокани ўқув-тарбия жараёнида амалга оширишда ўзини коррекция қилишнинг уч тури қўлланилиб, улар ўзаро алоканинг кибернетикадаги уч хил тизимга мос келади. Булар: 1) **жорий ўз-ўзини тузатиш**; 2) **якуний коррекция**; 3) **олдинни кўришга асосланган коррекция**.

Ўқитувчининг узлуксиз ўз шахси ва фаолиятини ташхислаши, унга:

- ўз фаолиятини узлуксиз таджик қилиш;
- ўз вақтида педагогик қийинчиликларни аниқлаш, ўқувчилар таълим-тарбиясига салбий таъсир қилувчи омилларни бартараф қилиш;
- ўз фаолиятида шаклланган салбий касбий одатлар, майл, эҳтиёжларни тузатиш;
- ўқув-тарбия жараёнини самарали ташкил қилиш инстурметарийсини аниқлаш;
- педагогик қийинчиликларнинг салбий таъсирини аниқлаш ва нотўғри шаклланган одатларни йўқотиш воситаси сифатида хизмат қилади.

Якка ўқитувчи ҳамда малака ошириш курсларида ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини видео материаллар воситасида таҳлил қилиш натижалари куйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Видео материалларни таҳлил қилиш ўқитувчининг ўз фаолияти ва бошқаларнинг камчилик, ютуқларини тўғри аниқлаш имкониятини беради.
2. Шу асосда ҳамкасбларининг ўқитувчи фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларига тўғри муносабатда бўлишга олиб келади.
3. Ўқитувчида ўз фаолиятининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида визуал, аниқ тасаввур ҳосил қилади.
4. Педагогик ташхис жараёнида экспертлар баҳосига тўғри муносабатда бўлади ва қабул қилади.
5. Тасвирий восита ўқув жараёнининг ёрдамчи, кучайтирувчиси бўлиб қолмасдан, “ички” ва “ташқи” ташхиснинг кучли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини педагогик ташхислаш усуллари**” деб номланиб, унда ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислашлари асосида малака ошириш жараёнини табақалаштириш ҳамда ўқитувчи фаолиятидаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилишда педагогик ташхиснинг ўрни ҳақида фикр юритилган.

Табақалаштириш таълимнинг хилма-хил мақсадларини амалга оширишга хизмат қилиш билан бирга, педагогларнинг шахсий ва касбий такомиллашувига имкон бериши керак. Ўқитувчилар малакасини ошириш тизими (ЎМОТ)да таълим жараёнини табақалаштириш ўз-ўзидан эмас, тингловчиларнинг ўзига хос психологик-физиологик, касбий фаолияти талабларини амалга оширувчи ўқитувчилар фаолияти билан боғлиқ. Шунинг учун андрапедагогика (катталар педагогикаси) талабларидан келиб чиқиб, ЎМОТда фаолият юритаётган ташкилотчилар, ўқитувчи услубчиларни

махсус тайёрлаш масалани ечишга ёрдам берадиган ёндашувлар муҳимдир. Буларнинг барчаси биргаликда тингловчиларнинг бетақдорлиги, ўзига хослигини инобатга олиш имкониятини беради. Таълим жараёнида ҳар бир тингловчига танлаш имкониятининг берилиши, унга таълим субъекти сифатида фаолият юритиши учун асос бўлиб, ўз билиш фаолиятини бошқара олади.

Табақалаштиришда ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида ижтимоий-психологик майллар, қизиқишлар, йўналишлар, психологик-физиологик хусусиятлари (ёш, билиш имкониятлари) ва педагогик маҳорат ҳамда шахсий сифатларини ҳисобга олиш лозим. Шу асосда тингловчиларнинг айрим ёки умумий хусусиятларини ҳисобга олиб, турли ўқув режа ва дастурлар асосида малака оширишни ташкил қилиш лозим. Табақалаштириш кўп қиррали ва мураккаб жараён сифатида қатор ташкилий-педагогик, психологик, иктисодий, илмий-техникавий муаммолар билан боғлиқ масала ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

- мустақил таълим ва ўМОТни модернизациялаш;
- тингловчиларнинг вақти ва кучини мақсадли йўналтириш, уларни ортиқча банд қилишнинг олдини олиш;
- ўқитувчиларнинг реал билиш ва ижодий имкониятини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- ўқитувчи ишлайдиган мактабдаги шароити, унинг шахсий имкониятларини эътиборга олган ҳолда ҳар бир тингловчига индивидуал топшириқлар бериш кабилар.

Табақалаштириш:

- ўқитувчиларнинг шахсий сифатлари, фаолият майллари, қизиқишларини уйғунликда ривожлантириш;
- ўқитувчиларнинг интеллектуал, ҳиссий-иродавий, ижтимоий-психологик, психологик-физиологик фарқларини ҳисобга олиб малака оширишни индивидуаллаштириш;
- тингловчиларнинг билиш фаолиятларини малака оширишнинг барча бўғинларида фаоллаштириш имконини беради.

Табақалаштириш уч хил шаклда ташкил қилиниши мумкин: 1) ички; 2) ташқи; 3) индивидуал тарзида.

Ўқитувчи фаолиятидаги педагогик қийинчиликларни бартараф қилишнинг ўз-ўзини ташхис технологиясини ишлаб чиқиш учун қуйидаги вазифаларни ечиш зарурияти туғилди:

- ўқитувчи фаолияти таркибининг аниқ педагогик шароитларда таҳлил қилиб олинган натижалар асосида мазкур фаолият мазмунини оптимал, қатъий алгоритмик тарзда белгилаш;
- аниқ педагогик вазифалар (дарсни тайёрлаш ва ўтказиш, уни таҳлил қилиш)ни ечиш жараёнида ўқитувчи фаолиятида намоён бўладиган йирик педагогик қийинчиликларни аниқлаш;

- ўқитувчи касбий фаолиятининг турли жиҳатларини ажратиб, унинг ҳар бир ҳолатига мос вазифалар ва муносабатни белгилаш;

- педагогик-психологик билим, кўникмалар мазмуни ва изчиллигини аниқлаб, улар ёрдамида ўқитувчининг ўз касбий фаолиятида учрайдиган қийинчиликларни ажратишига эришиш;

- келтирилган вазифаларни ечиш учун ўқитувчи фаолиятида педагогик қийинчиликларни келтириб чиқарувчи жиҳатларни таҳлил қилиш зарур.

Ўқитувчи фаолиятида намоён бўладиган асосий педагогик қийинчиликлар:

- у ёки бу педагогик қийинчиликларнинг характери ва намоён бўлиш шакллари;

- тез-тез учрайдиган касбий қийинчиликларнинг сабабларини аниқлаш;

- маълум қийинчиликларнинг ўқитувчи касбий фаолиятига салбий таъсири.

Биз амалга оширган тадқиқот ўқитувчиларнинг асосий педагогик қийинчиликларини аниқлаш ва уларни 4 гуруҳга ажратиш имконини берди.

Биз тадқиқ қилган барча фан ўқитувчилари ўз фаолиятлари ва ўқув жараёнининг методологик асосларини ўта бўш ўзлаштиришган. Умумлашган ҳолда бу педагогик қийинчиликлар:

1. Ўқитувчи меҳнати, таълим-тарбиянинг методологик муаммоларига доир қийинчиликлар.

2. Таълим-тарбиянинг назарий масалаларига оид қийинчиликлар.

3. Ўқитувчилар дуч келадиган дидактик қийинчиликлар.

4. Ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот методларини чуқур билмаслиги билан боғлиқ педагогик қийинчиликлар.

Педагогик ташхис усуллари педагогик қийинчиликларни бартараф қилишда ўз-ўзини ташхис ва эксперт баҳолаш (раҳбарлар, компетентли экспертлар томонидан) ўқитувчилар фаолиятидаги кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш ва бартараф қилишда синаб кўрилди.

Мақтаб раҳбарлари ўқитувчилар фаолиятидаги педагогик қийинчиликларни бартараф қилишда, асосан, педагогика, психология, ўз фани ва уни ўқитиш методикасидаги янгиликларни ўрганиш ва амалий фаолиятда фойдаланиш; раҳбарлар томонидан илмий-методик, амалий ёрдам кўрсатиш; ўзаро дарсларга кириш ва таҳлилни кучайтириш; ўз устида ишлаш учун мактабда етарли шароит яратилиши муҳимлигини кўрсатдилар.

Таълим жараёнида учрайдиган қийинчиликларни ўқитувчи доимий изланиш, ўз фани, педагогика, психология, ўқитиш методикасини чуқур билиш орқали бартараф этиши мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби “Малака ошириш курслари тингловчилари фаолиятини ташхислаш усулларининг самарадорлиги” деб номланиб, унда ўқитувчилар малакасини ошириш сифати ва

меъёрларини аниқлаш методикаси ва ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнини педагогик ташхис воситасида такомиллаштиришга хизмат қиладиган усулларнинг самарадорлик даражаси ёритилган.

Узоқ вақт кузатиш ва ташхиснинг турли йўлларини излаш, биз ишлаб чиққан ўзини билиш ва шу асосда ўз фаолиятини ташхис қилиш (ички) ҳамда бошқаларнинг унинг фаолиятига баҳо бериши (ташқи)га асосланган методика бир қатор талабларга жавоб бериши тажриба-синов ишлари жараёнида аниқланди. Шунинг учун ҳам мазкур методикани ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва унинг самарадорлигини аниқлаш тадқиқотимиз асосини ташкил этди.

Ўқитувчиларнинг касбий хусусиятлари, уларнинг фаолияти, характери ва педагогик жараёнларни ҳисобга олиб, қулай малака ошириш тизимини яратиш фақатгина педагогик ташхисга асосланган, ўқитувчининг педагогик фаолиятини рефлексив бошқариш методикасига таянган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ўқитувчининг ўз-ўзини ташхислаш методикалари педагогик фаолият билан унинг натижаси ўртасидаги доимий икки ёклама алокани тақозо қилади.

Ўқитувчилар малакасини оширишнинг сифат ва натижалари, мезон-меъёрларини аниқлаш, уларнинг ўз-ўзини ташхис (ички) ва бошқалар — мактаб раҳбарлари, фан метод бирлашмалари раҳбарлари, ХТБ назоратчилари, экспертлар томонидан ташхис (ташқи) қилиш асосида амалга оширилиши лозим.

Ички ва ташқи ташхис яхлитлиги ҳамда уларнинг натижаларининг бири-бирига мос келиши ўқитувчи касбий тайёргарлиги ҳақида объектив маълумот бера олади. Шунингдек, бундай ташхис натижалари малака оширишнинг шакли, муддати, қанча курсларга ўқитувчини юборишга ҳам асос бўлади.

Ташқи ташхис курс машғулотлари давомида малака ошириш институти ўқитувчилари ва услубчилари томонидан амалга оширилиб, уларнинг билим, кўникма ва малакасини дастлабки (курсгача) ва якуний (курс охирида) аниқлаш имконини беради. Бу эса, уларнинг курс машғулотларидан қониқиш даражасини аниқлашга хизмат қилади.

Педагогик ташхиснинг икки даражали гузилиши: кузатиш, сўров, интервью, тестлар орқали эмпирик маълумотларни йиғиш, уларни тингловчилар шахси ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан қиёслаш; иккинчидан, маълумотларга ишлов бериб, ўрганилаётган объектни тўлиқ тавсифлаш, аниқланган маълумотларни амалиётдаги ҳолат билан солиштириш ва мавжуд ташхислаш методикасига зарур ўзгартиришлар киритиш мақсадида тингловчилар педагогик фаолиятидаги ўзгаришларни курс машғулотлари жараёнида ҳамда курсдан кейинги ҳолатларни ташхислаш йўлини танладик.

**Биринчи гуруҳга мансуб мезонлар қуйидагилардан иборат:**

1. Эталонга нисбатан билимлар қўламининг тўлиқлиги.



2. Билимларни ўзлаштириш ва уларни турли вазиятларда қўллай олиш, амалий фаолият мақсадига мувофиқ келадиган билимларни тадбиқ қилиш.

3. Яқуний иш (реферат, битирув иши) сифатини таъминлаш.

4. Тингловчиларнинг курс машғулотларидан қониқишига эришиш.

**Иккинчи гуруҳ мезонлар курсдан кейинги қуйидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради:**

1. Курс машғулотидадан кейин ўқитувчилар фаолиятида бўлган ўзгаришлар.

2. Дарсларни режалаштириш ва ўтказиш ҳамда педагогик қийинчиликларни бартараф қилиш усулларидан фойдалана олиши.

3. Ўқитувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириши ва уни хотирада мустаҳкамлаши.

Тингловчиларнинг машғулотлардан қониққанликларини курс якунида сўров орқали аниқладик. Курс аввалида баён қилинган фикрларни тингловчилар фаолиятидаги ўзгаришлар натижаси билан қиёсладик:

- 80 % ўқитувчилар янгидан курсларга келиб, кўпроқ билим олганликлари ва педагогик қийинчиликларни ўтилган курс давомида бартараф қила олганликларини таъкидлаганлар;

- 91% ўқитувчилар эса бўлажак курслар типик камчилик ва қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради, деб ишонч билдирганлар;

- 96 % тингловчилар бўлажак курслар уларнинг эҳтиёжларини қондиришига шубҳа билан қараганлар;

- 49 % тингловчилар курсдаги кераксиз материалларни унинг мазмунидан чиқаришни таклиф қилганлар, уларнинг фикрича бу материаллар ўқитувчилар фаолиятини яхшилашга ёрдам бера олмайди;

- 22 % тингловчилар малака ошириш институтлари ўқитувчилари билими, фаолиятини такомиллаштиришни таклиф қилганлар. Булардан 11% ўқитувчилар курс мазмунига қандай мавзулар киритиш лозимлигини ҳам таклиф қилганлар.

Биз тажриба-синов ишлари жараёнида қуйидагиларни аниқлашга ҳаракат қилдик:

1. Педагогик ташхисни ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнида қўллаш бўйича ишлаб чиқилган илмий-методик тавсияларнинг самарадорлик даражасини кўрсатиш.

2. Тадқиқот илмий фаразининг туғрилигини аниқлаш.

3. Ишлаб чиқилган педагогик ташхис усул ва методларининг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлигини исботлаш.

4. Ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнини табақалаштиришда педагогик ташхиснинг ўрни ва аҳамиятини белгилаш.

5. Ўқитувчилар фаолиятидаги педагогик қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф қилишда педагогик ташхиснинг ўрнини белгилаш.

6. Ўқитувчилар малакасини оширишнинг сифат ва меъёрларини аниқлашда педагогик ташхисдан фойдаланиш.

7. Ишлаб чиқилган илмий хулоса ва тавсияларнинг тўғрилигини асослаш.

Тажриба–синов ишлари якунида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди. Бунинг учун биз Пирсоннинг мувофиқлик критерийсини қўладдик.

1-жадвал  
Респондентларнинг тажрибадан олдинги ва кейинги билимлари даражаси

№	Тажриба гуруҳи ўқитувчиларининг ўртача баллари – эмпирик частота	Назорат гуруҳи ўқитувчиларининг ўртача баллари – назарий частота	Эмпирик ва назарий частоталар орасидаги фарк	Эмпирик назарий частоталар фаркнинг квадрати	Кузатиш маълумотлари бўйича ҳисобланган қиймат
<i>I</i>	$n_i$	$n_i$	$n_i - n_i$	$(n_i - n_i)^2$	$\frac{(n_i - n_i)^2}{n_i}$
1	4,9	3,6	1,3	1,69	0,47
2	4,52	3,13	1,39	1,93	0,62
3	4,11	3,52	0,59	0,35	0,1
4	4,62	3,41	1,21	1,46	0,1
5	4,15	3,1	1,05	1,1	0,43
6	4,11	3,12	0,99	0,98	0,31
7	4,41	3,32	1,09	1,19	0,36
8	4,01	3,21	0,8	0,64	0,2
9	4,5	4,1	0,4	0,16	0,04
10	3,41	2,12	1,29	1,66	0,78
11	3,22	2,13	1,09	1,19	0,56
12	3,09	2,10	0,99	0,98	0,47
13	3,02	2,11	0,91	0,83	0,39
14	3,22	2,6	0,62	0,38	0,15
15	4,51	3,25	1,26	1,59	0,49
16	4,64	3,15	1,49	2,22	0,7
17	4,32	3,11	1,21	1,46	0,47
18	4,42	3,91	0,51	0,26	0,07
19	4,12	3,24	0,88	0,77	0,24
20	4,35	3,39	0,96	0,92	0,27
21	3,9	2,8	1,1	1,21	0,43
22	4,6	3,7	0,9	0,81	0,22
23	3,9	2,37	1,53	2,34	0,99
$\Sigma$	94,01	70,49	23,56	26,12	$\chi^2_{\text{тажт}} = 8,8$ 6

$\chi^2$  тақсимотнинг критик нуқталари жадвалидан берилган 0,05 қийматдорлик даражаси,  $k=20$  озодлик даражалар сони бўйича  $\chi^2_{\text{тажт}}(0,05;20) = 31,4$  ни топамиз. Бундан  $8,86 < 31,4$  экани келиб чиқади.

$\chi_{кузат}^2 > \chi_{кр}^2$  бўлгани учун нолиқчи гипотезани рад этишга асос йўқ. Бошқача сўз билан айтганда, эмпирик ва назарий частоталар фарқи муҳим эмас. Демак, кузатиш маълумотлари бош тўпламнинг нормал тақсимланганлиги ҳақидаги гипотеза билан мувофиқ келади, яъни ўқитувчиларнинг билим, кўникма, малакаларини ҳамда шахсий сифатларини ўзлари баҳолашларини ҳисоблаш ҳақидаги билимларининг тажриба гуруҳидаги ўзлаштиришлари самарадор экан.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Амалга оширилган тадқиқотларимиз, кузатишларимиз ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Педагогик таъхисни ўқитувчилар малакасини ошириш тизими (ЎМОТ)да қўллаш уни турли хато-камчиликлардан ҳолос қилиб, аниқ ўқитувчи шахсига йўналтириш асосида касбий ва шахсий эҳтиёжларини қондиради, ундаги педагогик, дидактик масалаларни аниқ шарт-шароитдан келиб чиқиб, ҳал қилади. ЎМОТда педагогик таъхисни қўллаш унинг эркинлаштирилишини таъминлаб, ўқитувчига малака оширишнинг шакл, муддат, мазмун, усул ва методларини эркин танлаш имконини беради.

Ўқитувчининг ўз фаолиятини ўзи таъхис қилиши мураккаб педагогик жараён сифатида босқичма-босқич: ўз-ўзини кузатиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзига баҳо бериш ва ўз фаолиятини қўйилган мақсадга мувофиқ тузатиш тарзида амалга оширилиши мумкин. Булар кетма-кетликда ўқитувчининг ўзини муттасил ўрганиш асосида педагогик маҳоратини оширишга хизмат қилади.

Малака ошириш жараёнида ўқитувчи билиш фаолиятини ташкил қилиш унга мос келувчи таълим мазмуни, мақсади, шакли ва методларини танлашни тақозо қилади. Бунда субъект-субъект муносабатлари шахсий ва касбий моҳиятга эга бўлиб, малака оширувчиларнинг интеллект, педагогик тажрибаси билан ажралиб туради, буни таълим берувчи ҳисобга олиши зарур.

2. Педагогик таъхисни малака ошириш жараёнида қўллаш ўқитувчига ўз фаолиятидаги қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўллари белгилаб беради. Бундай натижага эришишда педагогик таъхиснинг принциплари, босқичлари, методлари ва технологиялари асос бўла олади.

Ўқитувчининг ўз фаолиятини ўзи таъхислаб, уни экспертлар баҳоси билан тўлдирганда самарали натижа беради ва ўқитувчи учун ўз “Мен”ини бошқалар кўзи билан баҳолаб, ўзини такомиллаштириш инструменти вазифасини ўтайди.

Ўз-ўзини таъхислаш натижалари эксперт таъхиси билан биргаликда тасвирий воситалар орқали ҳам тўлдирилади.

Ўқитувчи фаолиятини тасвирий воситалар орқали ташхис қилиш қулай бўлиб, у нафақат ўзи учун, балки бошқаларга ҳам қулай вақтда фойдаланиш имконини беради.

Ўз-ўзини такомиллаштиришда шахснинг ташқи таъсир қилувчи омиллари билан ички интилишларининг аниқ педагогик вазифаларга йўналтириши муҳим бўлиб, унда ўзини англаш ва ўз касбининг ижтимоий моҳиятини тасаввур қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчининг ўз-ўзини такомиллаштиришда унинг педагогик йўналганлиги ҳам муҳим бўлиб, улар хатти-харакат ва фаолиятини педагогик вазифаларни бажаришга бўйсундиради.

3. Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини табақалаштиришда уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари, улар эҳтиёжига мос таълим мазмуни, муддати, шакли, методи, мақсадини танлаш асосида қулай шароит яратиш ҳамда шахс ғурурини поймол қилмасликни таъминлаш талаб этилади. Табақалаштириш барча соҳаларда инсон омилининг ошиши, тезкор ривожланиш, ўқитувчиларнинг реал билиш ва ижодий имконияти, иш шароитини ҳисобга олиш имкониятини беради.

Табақалаштириш мустақиллик ғояси асосида ўқитувчилар малакасини ошириш тизимини инсонпарварлаштириш, ўқитувчиларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, психологик-физиологик жиҳатларини инобатга олиш учун қулай шароит яратади.

Табақалаштириш ички, ташқи ва индивидуал шаклларда амалга оширилиб, у малака ошириш жараёнини мустақил индивидуал ташкил қилишга замин ҳозирлайди.

Индивидуаллаштириш ўқитувчининг шахсий сифатлари асосида маънавий ва касбий эҳтиёжларини қондиришнинг қулай шакли ҳисобланади.

4. Таълим-тарбия жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, у ўқитувчи фаолияти орқали бошқарилади. Ҳар иккала фаолият ўз тузилиши, мақсад ва интилишларига эга эканлиги педагогик жараёни ташкил қилишда мураккаб қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун педагогик қийинчиликлар таълим жараёни ва ўқитувчи фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Педагогик қийинчиликлар таълим жараёнида мунтазам янги-янги вазият ва вазифаларни ечиш жараёнида пайдо бўлади. Педагогик қийинчиликларни ўқитувчи юқори билим ва тайёргарлиги билан бартараф қила олади. Бунинг учун у бу қийинчиликларнинг моҳияти, келтириб чиқарган сабабларини билиш лозим. Малака ошириш ва ўз-ўзини ташхис уларни бартараф қилиш воситаси ҳисобланади.

5. Ўқитувчиларнинг шахсий-касбий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда малакасини оширишни узлуксиз ташкил қилиш, уларнинг шахсий сифатлари ва касбий маҳоратини доимий, мунтазам ошириб боришни тақозо қилмоқда.

Жамият тараққийетининг ривожланиши ва мураккаблашуви ҳамда ахборот оқимининг тезлашуви ўқитувчиларнинг сиёсий, иктисодий, ҳуқуқий, технологик, экологик, педагогик, психологик билимларга бўлган эҳтиёжини кучайтирмоқда. Бу эҳтиёжни қондиришда узлуксиз ташкил қилинган малака ошириш муҳим аҳамиятга эга. Узлуксиз таълим тизимида малака ошириш ўқитувчининг билимларни тўлдириш, янги шароитга мослашиш ва ривожланиш кўникмаларини такомиллаштириш вазифасини бажаради. Бирок, малака оширишнинг ушбу кенг қўламли вазифаси ўқитувчи фаол нуқтаи назарга эга бўлганида, билимлари, педагогик маҳорати, ижодий кучи ва қобилиятини ривожлантиришда амалга ошади.

6. Мамлакатимиз ижтимоий тараққийетининг бозор муносабатларига ўтиши малака оширишнинг муддатлари, унинг даврийлигига таъсир ўтказиб таълим турлари ва малака ошириш шакллариининг ўзаро интеграциялашуви ҳамда уни узлуксизлик асосида ташкил этиш эҳтиёжини кучайтирди.

Педагогик фаолиятни ташхис асосида ташкил қилиш мустақил ва малака ошириш жараёнида олган билимлари ёрдамида ўқитувчи касбий фаолиятидаги ўзгаришларнинг аниқ меъёрларини белгилашни тақозо қилади. Аниқ меъёрланган мезонлар эса ҳар бир босқичда юз берган ўзгаришлар асосида малака оширишни узлуксиз ташкил қилиш имкониятини беради.

Педагог кадрлар малакасини оширишни узлуксиз ташкил қилишнинг ҳар бир босқичда унинг сифати, ўқитувчи шахсий сифатлари ва касбий маҳоратидаги ижобий ўзгаришларнинг аниқ меъёрлари асосида амалга оширилса, унинг самарадорлиги ошади. Шундан келиб чиқиб, кўпгина адабиётлар, педагоглар, мактаб раҳбарлари, туман, шаҳар методика кабинети ходимлари, фан метод бирлашмалари фаолияти ва фикри, мавжуд илмий ёндашувлар асосида ўқитувчилар малакасини ошириш жараёнининг 7 та меъёри аниқланди. Ушбу меъёрлар кенг қўламда тажриба-синовдан ўтказилди. Ўз навбатида тажриба-синов натижалари тадқиқот фаризи тўғрилигини асослади.

Ишлаб чиқилган меъёрлар малака ошириш жараёнининг ҳар бир босқичда уни аниқ натижаларга йўналтиришга хизмат қилади.

7. Педагогик ташхис моҳиятини акс эттирувчи кўп босқичли тажриба-синов ишлари тадқиқот аввалида белгиланган илмий фаразни тўла тасдиқлаб, педагоглар малака ошириш сифати ва мезонларини аниқлаш имконини берди.

Мазкур мезонлар ўқитувчилар малака ошириш жараёни ва унинг ҳар бир босқичида сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва қўйилган мақсадга йўналтиришга замин ҳозирлайди.

## ТАВСИЯЛАР

1. Ўқитувчилар, мактаблар, мустақил билим олиш ҳамда малака ошириш курслари ўқув режаларига илмий тадқиқот методлари, ўз-ўзини

кузатиш, таҳлил қилиш ва баҳо бериш масалаларига доир мавзуларни қиритиш ва вақт ажратишга эришиш.

2. Малака ошириш жараёнини табақалаштириш, уни инсонпарварлаштириш, ўқитувчининг аниқ эҳтиёжига йўналтириш воситаси эканлигидан келиб чиқиб, уларга курсгача ва курсдан кейинги даврларда алоҳида мавзулар беришга эришиш.

3. Мактаб - туман методика кабинети – малака ошириш муассасалари ҳамкорлиги тизимини вужудга келтириш ҳамда узлуксиз фаолият юритишига эришиш.

### ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш. –Тошкент: Фан ва технология, 2009. -112 б.

2. Гулбоев А.Т. Баховуддин Нақшбандийнинг маърифий-ахлоқий қарашлари. –Тошкент: Фан, 2000. -80 б.

3. Гулбоев А.Т. Масофавий таълим – педагоглар малакасини ошириш узлуксизлигини таъминловчи муҳим восита // Узлуксиз таълим, 2-сон. -Тошкент, 2008. – Б. 44-48.

4. Гулбоев А.Т. Педагогик ташхиснинг ўқитувчилар малакасини оширишдаги ўрни / “Олий ўқув юрти талабалар гуруҳларида маънавий-ахлоқий тарбияни ташкил қилиш муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-назарий ва амалий конференцияси материаллари (Бухоро, 2008 й., 27-28 май). -Бухоро, 2008. – Б. 284-287.

5. Гулбоев А.Т. Ўқитувчилар малака ошириш жараёнини табақалаштириш – педагогик ташхис тақозоси // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, 2-сон. -Тошкент, 2008. –Б.38-41.

6. Гулбоев А.Т. Ўқитувчилар малакасини оширишни узлуксиз ташкил қилиш омиллари // Педагогик маҳорат, 3-сон. –Бухоро, 2008. –Б. 10-12.

7. Гулбоев А.Т. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари фаолиятининг психологик хусусиятлари // “Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида замонавий касбий таълим муаммолари” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари (20-21 ноябрь 2008 й. Гулистон). -Гулистон, 2008. – Б. 117-118.

8. Гулбоев А.Т. Масофавий таълим – бошланғич синф ўқитувчилари малакасини оширишнинг узлуксизлигини таъминловчи муҳим восита // “Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида замонавий касбий таълим муаммолари” мавзусидаги Республика илмий анжумани материаллари (20-21 ноябрь 2008 й. Гулистон). -Гулистон, 2008. – Б. 178-180.

9. Ўқитувчилар малакасини ошириш сифатини ва меъёрларини аниқлаш технологияси // “Маҳаллаларда болаларнинг жисмоний тарбияси ва хотин-қизларни спортга жалб қилиш: муаммолар, ечимлар ва истикболлар”

мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари (Бухоро, 16-17 декабрь 2008 й.). -Бухоро, 2008. – Б. 31-33.

10. Гулбоев А.Т., Мардонов Ш.Қ. Шахнинг ўз-ўзини тарбиялаши // Тарбия, 2-сон. -Тошкент, 2009. – Б. 2-6.

11. Гулбоев А.Т., Мардонов Ш.Қ. Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш хусусида баъзи бир мулохазалар // Узлуксиз таълим, 2-сон. -Тошкент, 2009. – Б. 78-83.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Гулбоев Акбар Тўхтаевичнинг 13.00.01 – педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича “**Педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш**” мавзусидаги номзодлик диссертацияси

### РЕЗЮМЕ СИ

**Таянч сўзлар:** малака ошириш, ташхислаш, ўқитувчи, педагогик маҳорат, педагогик технология, билим, кўникма, малака, педагогик фаолият, педагогик ишлов бериш, дидактика, педагогик мерос, иш шакли, методлар, педагогик усуллар.

**Тадқиқот объекти:** педагогик ташхислаш воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш жараёни.

**Ишнинг мақсади:** педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш тизимини белгилаш ҳамда ўқитувчилар малакасини узлуксиз оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** анкета, савол-жавоб, суҳбат, педагогик ташхис, таҳлил, умумлаштириш, киёслаш, эксперт баҳоси, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** педагогик ташхис воситасида ўқитувчилар малакасини узлуксиз ошириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, педагогик ташхиснинг мазмуни, турлари, ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш усуллари аниқланди. Ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислашларини таъминлаш асосида малака ошириш жараёнини табақалаштириш, улар фаолиятидаги кийинчиликларни аниқлаш ва бартараф этишда педагогик ташхислашнинг ўрни белгиланди. Бу жараённинг сифати ва меъёрларини аниқлаш методикаси ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган усулларнинг самарадорлик даражаси кўрсатилди.

**Амалий аҳамияти:** ўқитувчиларнинг ўз фаолиятларини ташхислаш усуллари ва ташхис натижалари асосида узлуксиз малака ошириш тизимини табақалаштирилган ҳолда ташкил этиш ва модернизациялашга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди, ушбу усуллар мазкур тизимни такомиллаштириш, янги методикалар билан бойитиш имконини берди.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари “Uzluksiz ta’lim”, “Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар”, “Педагогик маҳорат” журналларида эълон қилинган мақолалар, Бухоро ДУ профессор-ўқитувчилари ҳамда ЎзПФИГИда ўтказилган анжуманларда қилинган маърузалар, ишлаб чиқилган тавсиялар ва методик қўлланма ҳамда монографияда ўз ифодасини топган.

**Қўлланиш соҳаси:** тадқиқот натижаларидан ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида кенг фойдаланилади.



## РЕЗЮМЕ

диссертации Гулбоева Акбара Тухтаевича “Непрерывное повышение квалификации учителей средствами педагогической диагностики” на соискание ученой степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – теория и история педагогики.

**Ключевые слова:** повышение квалификации, диагностика, учитель, педагогическое мастерство, педагогическая технология, знание, умение, навык, педагогическая деятельность, педагогическая разработка, дидактика, педагогическое наследие, формы работы, методы, педагогические приемы.

**Объект исследования:** процесс непрерывного повышения квалификации учителей средствами педагогической диагностики.

**Цель работы:** определение системы непрерывного повышения квалификации учителей средствами педагогической диагностики, разработка научно-методических рекомендаций по непрерывному повышению квалификации учителей средствами педагогической диагностики.

**Методы исследования:** анкетирование, беседа, педагогическая диагностика, анализ, обобщение, сравнение, экспертная оценка, педагогический эксперимент, математико-статистический анализ.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлена актуальность педагогической проблемы непрерывного повышения квалификации учителей средствами педагогической диагностики, определены содержание, виды и приемы диагностирования учителями своей деятельности. Определена роль педагогической диагностики в процессе дифференциации повышения квалификации на основе диагностирования учителями своей деятельности и в преодолении трудностей и проблем. Определены критерии эффективности данного процесса, методика его совершенствования.

**Практическая значимость:** разработанные научно-методические рекомендации направлены на дифференциацию и модернизацию системы непрерывного повышения квалификации на основе диагностики и анализа учителями своей деятельности; они способствуют совершенствованию названной системы и обогащают процесс новыми методиками.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования нашли отражение в опубликованных статьях в журналах «Uzluksiz ta'lim», «Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар», «Педагогик маҳорат», в докладах на конференциях Бухарского госуниверситета, УзНИИПН, в методических рекомендациях и монографии.

**Область применения:** результаты исследования найдут широкое применение в системе переподготовки кадров и повышения квалификации учителей.

## RESUME

**Thesis of Gulboyev Akbar Tuhtayevich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy in pedagogics on General pedagogy, history of pedagogics and education specialty 13.00.01 subject: «Lifelong improvement of pedagogic specialists' qualification by the means of pedagogic diagnosis»**

**Key words:** to improve one's qualification, to diagnose, teacher, pedagogic mastery, pedagogic technology, knowledge, skills, habits, pedagogic activity, pedagogic processing, didactics, pedagogic legacy, work forms, methods, and pedagogic ways.

**Subjects of research:** the process of lifelong improvement of pedagogic specialists' qualification by the means of pedagogic diagnosis.

**Purpose of work:** to determine the system of lifelong improvement of pedagogic specialists' qualification by the means of pedagogic diagnosis and to work out scientific-methodic recommendations directed to lifelong improvement of pedagogic specialists' qualification by the means of pedagogic diagnosis.

**Methods of research:** questionnaire, question-answer, conversation, pedagogic diagnosis, analysis, generalization, comparative method, expert's mark, pedagogic experiment, mathematic-statistic analysis.

**The results obtained and their novelty:** the lifelong improvement of pedagogic specialists' qualification by the means of pedagogic diagnosis as a topical pedagogic problem, the content of pedagogic diagnosis, types of pedagogic diagnosis, the ways of teachers' self-diagnosis are defined. On the base of supplement of teachers' self-activity diagnosis, the role of pedagogic diagnosis are defined in the process of differentiation of improvement of pedagogic specialists' qualification, in the determination the difficulties in their activity and their solution. The method of determination of this process' quality and norms, and the effectivity of ways serving for its development are showed.

**Practical value:** on the base of teachers' self-activity diagnosis ways and diagnosis results, scientific-methodic recommendations directed to organization and modernization of differentiated system of improvement of pedagogic specialists' qualification are worked out, mentioned ways provided with the development of current system, enrichment with new methods.

**Degree of embed and economic effectivity:** the investigation results are reflected in "Uzluksiz ta'lim", "Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar", "Pedagogik mahorat" journals, in conferences which were held in Bukhoro State University and Uzbekistan pedagogics scientific-research institute, in given lectures, in worked out recommendations and methodic manual.

**Field of application:** the investigation results can be used in the system of pedagogic specialists' re-preparation and improvement of pedagogic specialists' qualification.

**Разрешено в печать 11.10.2010. Формат 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Гарнитура «Temis New Roman». Печать офсетная. Печ.л. 3,25.  
Тираж 100. Заказ № 95.**

**Отпечатано в типографии «Fan va texnologiyalar Markazining  
boshqonasi». 100003, г. Ташкент, ул. Алмазар, 171.**